


# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÕZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1998 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

• 22 май, № 21 (3457) •


### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**О.Э.Ёқубовни Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида**

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётгани учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Эгамбердиевич Ёқубов Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил, 18 май

## АДИБНИ ҚУТЛАБ

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида таниқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди. Уни табриклаш учун ёзувчилар, шоирлар, қўшни давлатлардаги ҳамкасблари, ёру биродарлари, дўстлари, шогирдлари бу ерга ташриф буюрди.

Кечани республика Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов бошқарди.

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётгани учун О. Ёқубов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Мамлакатимиз раҳбарининг ана шу ҳақдаги Фармонини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов ўқиб эшиттирди. Адибга Президентимизнинг махсус совғаси топширилди.

Кечада сўзга чиққан маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Тўлаберган Қаипберганов ва бошқалар Одил Ёқубов адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшаётганини таъкидлаб, уни қутлуғ ёши билан муборакбод этдилар.

**(ЎзА).**

*Миразиз АЪЗАМ*

## ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАСЛАР



### КЎРГАЧ

Киши гўнгли ўсар кўкка одамдин рўшно кўргач,
Шукур айлар, бирон касни тариқига фидо кўргач.
Бироқ ерга кирар нохос қариндошдин жафо кўргач,
Ўлур қаддим дуто ишқинг йўлинда бир бало кўргач,
Тариқ аҳлига одатдир тавозуъ, ошино кўргач.

Сўрарман навмид ишқимни ниҳон тут, деб илоҳимдан,
Қизарса ҳам, сирим сақлар — умидим вор сабоҳимдан,
Ва гўнглим тўқ фош этмас деб қуёшимдан ва моҳимдан,
Ниҳоний ишқи маълум этса олам дуди оҳимдан,
Ажаб йўққим гумони ганж эдар халқ, аждаҳо кўргач.

Сани инжитмадим ҳеч вақт, нечун банга ситам ҳар он?
Гуноҳимни билиб бўлмас, дамим ўтгай мудом ҳайрон:
Нечун бунча азм этдинг ҳаётим этгали вайрон?
Ўқинг ҳар лаҳзаким жоним дилар, гўнглим қилур афғон,
Биайниҳ ўйлаким фарёд эдар итлар, гадо кўргач.

Кўр ўлдим гўзима душган ғуборлардан ва тўзлардан,
Киши гўнглин босиб ўтган раҳмсиз қалби музлардан,
Унут бўлмоқ оғир ғоят ўзинг севган азизлардан,
Фузун ўлдикча ишқим гарм ўлур ашким бу гўзлардан,
Агарчи сув бурудат касбини айлар, ҳаво кўргач.

Муҳр — ҳақдан, илоҳимдан, қомандир нўла қадр этсун?
Агарчи ёзмишим қора, бош садр нўла қадр этсун?
Қадрсиз — улфатим борми, бекадр нўла қадр этсун?
Ривожи нақд нақши сиккадандир, нўла қадр этсун?
Банга эл, жисми урёнимда нақши бўрё кўргач?

Баний деҳқон чиқар ерга, ўлуб наврўз, савр гелдукча,
Яратгай нозу неъматлар, баний элдан меҳр гўрдукча,
Душар кетмон алиндан, амирингдан жавр гўрдукча,
Бана, дарвеша, эл ҳам жавр эдар, сан жавр қилдукча,
Ким айлар зулм маънин подшоҳим сан раво кўргач?

Қачон сан, Миразиз Аъзам, не топдинг ишқ сафосидан?
Умид қилдинг (хато қилдинг!) вафосизнинг вафосидан
Ва ютдинг қанча зардоблар ҳаётингнинг хатосидан.
Фузулийни ошур, э заъф, маҳвашлар балосидан
Ки маҳвашлар қилур юз бинг жафо, бир мубтало кўргач.

### САҲАР БЕДОР ЎЛАНДАН СЎР

Асл зарнинг баҳосин бир умр заргор ўландан сўр,
Умидсиз дил малолин бир умр афгор ўландан сўр,
Сафойи фасл қадрин, қиш, баҳора зор ўландан сўр,
Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зулоли завқ шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Гўзинг сеҳрин гелуб дилдора бандан ўзгадан сўрма,
Тилинг шаҳдин гелуб бозора бандан ўзгадан сўрма,
Сочинг мушкин гелуб гулзора бандан ўзгадан сўрма,
Лабинг сиррин гелуб гуфтора бандан ўзгадан сўрма,
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Ўтар кунлар, гечар йиллар ҳаётимни этар зойил,
Кўнгил бўлмас юзингдан ўзга юзни кўргали мойил,
Дилим ғашлу, гўзим ёшлу, санингсиз дам зилу замбил,
Гўзу ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми ғофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.

Хабарсиздир ҳукмфармо залил қалбда тиканлардан,
Амир аҳли хабар қўймас анга гўнгли шиканлардан,
Ва лекин сен хабардор ўл алам тухмин эканлардан,
Хабарсиз ўлма фаттон гўзларинг жаврин чеканлардан,
Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

Узун сабрин тугаб битган, бани тарк этди иқболим,
Туну гун ағларам тинмай, оғир гундан гуна ҳолим,
Бана ҳайфдир аламлар ҳам, бу ўлгач борки аъмолим,
Ғамингдан шамътек ёндим, сабодан сўрма аҳволим,
Бу аҳволи шаби ҳижрон баним-ла ёр ўландан сўр.

Самога учмоқ истарман, вале синмиш қанот-болим,
Жунун саҳросида ёлғиз кезар жоним — сўнгги молим,
Нечун мунча хароб ўлдинг, дея сўр лоақал, золим,
Хароби жоми ишқам, наргиси мастинг билур ҳолим,
Харобот аҳлининг аҳволини хуммор ўландан сўр.

Сен-эй, сен, Миразиз Аъзам, бу оташга ўлуб дохил,
Билурсан: ишқ иноятдир, буни тасдиқ этар оқил,
Бу сўздан, лек, ўгиргай юз бирон зоҳид ва ё жоҳил,
Муҳаббат лаззатидан бехабардир зоҳиди ғофил,
Фузулий, ишқ завқин, завқи ишқи вор ўландан сўр.

## ҚЎШИҚ — ДИЛ МАЛҲАМИ

*Танлов*

Икки кун давомида пойтахтимизнинг Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри ва «Туркистон» санъат саройи қўшиқ мухлислари билан гавжум бўлди. Ҳар икки санъат кошонасида «Ўзбекистонда қўшиқ байрами» кўрик-танловининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятлари бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танловларда яккахонлар, оилавий ансамбллар, хср жамоалари қатнашдилар. Қатнашчиларнинг ёши ҳам чегараланмаган: етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган санъат шайдолари дилдан куйладилар, юракларида борини тўкиб-солдилар.

Тошкент шаҳри бўйича Шайхонтоҳур туманидан Илҳом Пармонов («Ўзбекистон — диёрим», О. Қўчқорбеков шеъри, И. Пармонов мусиқаси) ғолиб деб топилди. «Довюраклар керак» (П. Мўмин шеъри, А. Мансуров мусиқаси) қўшиғи ижрочилари — Глиэр номидаги республика мусиқа мактаб-интернати хор жамоаси ва «Туроннинг беш боласи» (М. Улуғова шеъри, А. Икромов мусиқаси) қўшиғи ижрочиси Абдулла Раҳимжонов иккинчи ўринни эгалладди. «Нафис санъат» лицейи хор жамоаси («Ватан элдан бошланар», Назармат сўзи, Р. Абдуллаев мусиқаси), Бекзод Машрабов («Жоним онам, Ўзбекистон», О. Юсупов, М. Машрабов) ва Маданият техникуми жамоаси («Ватандур бу», М. Худойқулов, Ғ. Ваҳобов) учинчи ўринга муносиб деб топилдилар.

Тошкент вилояти бўйича ўтказилган танловда эса бўкалик Зафар Расулов ижро этган «Ҳаққим борми сени Ватан дейишга» Ҳ. Бобомуродова, З. Расулов) қўшиғи ғолиб бўлди. Паркентлик Элмурод Йўлдошевнинг «Йўлларинг чароғон, Ўзбекистоним», вилоят педагогика билим юрти хор жамоасининг «Оҳангларда эртаклар», янгийўллик Ваҳобжон Охунов ва Навбаҳор Носированинг «Ассалом, Саодат» қўшиқлари иккинчи ўринга сазовор бўлди. Уйғун Тавбоев, Ёқубжон Соҳибов, Дилноза Исмияминова ва Қўчқоровлар оиласи ижросидаги қўшиқлар учинчи ўрин билан тақдирланди.





Ғолибларни республика кўрик-танлови кутмоқда.

* * *

7—8 май кунлари В. Успенский номидаги мусиқа мактабида республикамиз мустақиллигининг 7 йиллигига бағишлаб Ҳарбий қўшиқ ва мусиқий асарлар танлови бўлиб ўтди. Мазкур тадбир республика танлови сифатида учинчи бор ўтказилмоқда. Унга Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Республика Ёшлар «Камолот» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳомийлик қилди.

Танловда Ички ишлар вазирлиги қошидаги намунавий ҳарбий дамли чолғулар оркестри, Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари бош бошқармасидан ансамбллар қатнашиб, янги-янги асарларни намойиш этишди.

Ҳарбий мусиқа деганда жиддий, ватанпарвар, тантанавор руҳдаги асарларни тушунишга одатланганмиз. Мазкур танлов эса «чегара»ни кенгайтирди. Негаки, унда ҳарбий мавзудаги ҳазил, ўзбекона халқчил руҳдаги қўшиқлар ҳам алоҳида ўрин эгаллади.

Танлов якунларига кўра саф қўшиғи учун биринчи мукофот «Ватанни севмоқлик» (У. Ҳамдамов, П. Мўмин), иккинчи мукофот «Ватан туйғуси» ва «Алпомиш авлодлари», учинчи мукофот «Қўмондонлар» ва «Аскар қўшиғи» қўшиқларига берилди.

«Бир гўзални севиб қолдим» (Т. Раҳимов, П. Мўмин) қўшиғи эса аскар қўшиқлари орасида биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ўрин «Олачаю олача», «Қонун посбонлари», учинчи ўрин «Ўзбекистон» ва «Буюк қисматимиз она Туркистон» қўшиқларига берилди.

«Генерал Сирожиддинов» қўшиғи эса марш қўшиқлари ғолиби деб топилди.

Шунингдек, танлов ҳайъати ижрочилар маҳоратига ҳам жиддий эътибор бердилар. ИИБ дамли чолғулар оркестри, МДҲ бошқармаси ансамбли, Р. Исмоилов, У. Бобомуродов, Ё. Ражабов, Н. Муҳамедов ва А. Ражабов каби ижрочилар алоҳида мукофот билан тақдирландилар.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА**

## ЧАРОҒОН КЕЧА

*«ЎзАС» ахбороти*

Шундай адиблар бўладики, улар битган асарлар жонли ҳаётга айланади, одамлар билан ёнма-ён яшайди.

Шундай инсонлар бўладики, улар яшаган умр ҳамиша тирик тўраверади: ўз соҳиблари умрига умр қўшаверади.

Шуҳрат ака ана шундай адиб эди.

Шуҳрат ака ана шундай инсон эди.

Шунинг учун ҳам у кишининг хотираси ҳамманинг уйида бирдай порлайди. Уни эслаганларнинг юзларидан, кўзларидан, сўзларидан нур ёғилади, зиё таралади.

Шуҳрат ака чинакам адиб, ҳақиқий зиёли эди, деган сўзнинг маънисини мен шундай англадим.

Машҳур адиб Шуҳрат хотирланар экан, устоз Абдулла Ориповнинг қуйидаги сўзларини эслайман.

«Албатта, адабиётимиз тоғлари силсиласида бошини оппоқ қор чўлғаган чўққи сингари Шуҳрат сиймоси ҳам доимо кўзга ташланиб тураверади».

Ўтган ҳафта Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуҳрат таваллудининг 80 йиллиги муносиб хотирланди. Шу муносабат билан «Шарқ» нашриёт матбаа-концернида Шуҳрат ҳақидаги хотиралар китоби чоп этилди. Китобда адиб ўз қўли билан нашр эттиришга улгурмаган «Машраб» романи ҳам босилган.

16 май куни Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драматик театрида Шуҳрат таваллудининг 80 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлди.

Кеча дастурини адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Наим Каримов бошқарди.

Адибнинг қадрдон дўсти Саид Аҳмад Шуҳрат билан кечган унутилмас кунлар ҳақида ҳикоя қилди. Армонлар, дарду ҳасратлар, орзу-умидлар эсланди. Шеъру романлар устида кечган қизғин ижодий гурунглар хотирланди. Ҳамдаму ҳамсоя лаҳзалар ифодаланди.

Шуҳрат ака билан ижодий ҳамкорлик қилган санъаткор Фахриддин Умаров шоир шеърлари латофатию оҳанрабоси ҳақида гапирди.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, таниқли шоирлар Усмон Азим, Муҳаммад Юсуф ва бошқалар ҳам ўзларининг дил сўзларини изҳор этдилар. Шоирлар Шуҳрат акага бағишлаб ёзган шеърларини ўқидилар.

Кечада Шуҳрат аканинг драматик фаолияти ҳам алоҳида таъкидланди.

Театр биносида кечган ўша кеча Шуҳрат аканинг порлоқ хотираси билан янада чароғон бўлди.

**Рустам МУСУРМОН**



Бозор—мамлакат кўрки

## ГУЛЛАР ШАҲРИДАГИ МУШОИРА

Адабиётда, бадиий асарларда гул, боғу чаман, булбул, ишқ фасли, ёр васли ва шеър базми каби иборалар бир-бирига боғланиб тасвирланади. Ушбу тасвир тасаввуримизда жаннатмаконларни жонлантиради. Ана шундай шеърларни ўқиганимизда хаёлан ўзимизни ўша ерларда кўрамиз. Фақат хаёлан.

14-16 май кунлари Наманганда — гуллар шаҳрида ўтказилган ижодкор ўқитувчиларнинг анъанавий VII семинар-кенгашида бизнинг бу хаёлимиз воқеликка айланди.

Чуст туманидаги тоғларда жойлашган Ғова қишлоғига қўндик. Кўмкўк тоғ, ям-яшил дарахтлар, шовуллаган сой, жилдир-жилдир шаршараю булоқлар — ҳақиқатда жаннатмакон эди. Айниқса, сўлим тунни, зангори тонгни тўлдирган булбуллар чақ-чақи бизни ҳақиқатан ҳам эртаклардагидек диёрда эканимизни таъкидлар эди.

Барча вилоятлардан келган ижодкорлар ўша булбуллар жўрлигида шеър ўқидилар. Таниқли ёзувчилар: Йўлдош Сулаймон, Сафар Барноев, Турсунбой Адашбоев, Маъруф Жалил, Омон Мухтор, Ҳабиб Саъдулла, Икром Отамурод, Шоим Бўтаев, Музаффар Аҳмад икки кун давомида бир неча гуруҳга бўлиниб, ижодий гурунглар ўтказдилар.

Ушбу анжуманга шоир Сафар Барноев таваллуд санасининг 60 йиллиги тантаналари ҳам уланиб кетди. Ғовада бошланган юбилей тадбирлари бағоят мароқли бўлди.

Косонсой туманидаги иқтидорли ўқувчилар лицейида ҳам Сафар Барноев билан ижодий учрашувлар ўтказилди.

* * *

15 май куни Наманган шаҳридаги 3-мактабда шоир Абдулла Жалил туғилган кунига бағишланган адабий кеча ўтказилди. Ўша куни 50 га тўлган шоир ўзи таҳсил олган мактабга, мактабдошлари даврасига таклиф этилди. Таниқли шоир Икром Отамурод, Оташ Холмирзаев, Боқий Мирзо, иқтидорли ёзувчи Шоим Бўтаев ва ёш ижодкор Рустам Мусурмон Абдулла Жалилни табриклаб дил сўзларини айтдилар. Шу муносабат билан ўқувчиларга янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Учрашувда Абдулла Жалил ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Ўқувчилар шоир шеъриятидан намуналар ўқидилар.

Адабий кеча ўқувчиларда мароқли таассурот қолдирди.

## «СЕҲРЛИ ТАНБУР»

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри ижодий жамоаси болалар учун спектакллар тайёрлашни бир зум ҳам ёддан чиқарган эмас. Яқинда ёш томошабинлар эътиборига ҳавола этилган Ҳайдар Муҳаммаднинг «Сеҳрли танбур» асари асосидаги спектакл бунинг далилидир.

Ҳ. Муҳаммаднинг кўпгина асарлари республикамизнинг турли театрлари саҳналарида қўйилган. Улар орасида 4 та эртак-пьеса ҳам бор.

— Халқ оғзаки ижоди мисоли қайнар булоқ, — дейди муаллиф. Ундан ичилган сув малҳамга айланаверади. Ана шу эртаклар хазинаси асосида 10 та эртак-пьеса яратиш ниятим бор.

Икки қисмли бу асарни Муборак Мадазимова саҳналаштирди. Саҳна безаклари эса рассом Зокиржон Қобулов қаламига мансуб. Бастакор Анвар Эргашев мусиқаси спектаклга жозиба бахш этган

## ДИЛКАШ ГУРУНГЛАР

15 май куни Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг бир гуруҳ тингловчилари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига меҳмон бўлиб келдилар. Гуруҳ раҳбари, Академия ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Нусратулла Жумахўжа мазкур учрашувдан кўзда тутилган мақсадни баён қила туриб, Академия битирувчиларининг «сўнгги қўнғироқ» дарсларидан бири Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидек мўътабар ижодий ташкилотда ўтаётганидан мамнун эканини билдирди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов мустақил давлатимизни маънавий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва жамиятимизни демократик жамиятга айлантиришдек эзгу ишда, умуман, адабиёт аҳли, хусусан, ёзувчилар уюшмаси баҳоли қудрат қўшаётган улуш хусусида сўзлади. Шундан кейин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Муҳаммад Юсуф ва уюшманинг масъул котиби Раҳимжон Отаев ижодий ташкилотнинг тарихи ва фаолият йўналишлари, ҳозирги ўзбек шеърияти, бадиий насри ва таржимачилигида рўй бераётган жараёнлар хусусида қисқача ахборот бердилар, тингловчиларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Шоир Муҳаммад Юсуф ва Ёзувчилар уюшмасининг адабий маслаҳатчиси ҳамда Академия тингловчиси Абдували Қутбиддин ўқиган шеърлар учрашувга алоҳида файз ва шукуҳ бағишлади.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмондаги Ижод уйида фашизм устидан қозонилган буюк ғалабанинг 53 йиллиги ва уруш қатнашчиси, оқсоқол шоиримиз Назармат (Эгамназаров) туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси А. Орипов бошқариб борди. Абдулла ака ўзининг қисқача кириш сўзида давра тўрини тўлдириб ўтирган «саксонбой» оқсоқолларимиз Иброҳим Раҳим, Матёқуб Қўшжонов, Нуриддин Муҳиддинов, Назармат Эгамназаров ва бошқа уруш қатнашчиларини Буюк ғалаба билан табриклади. Шу кеча-кундузда 80 ёшга тўлган кекса шоиримиз Назарматнинг инсоний ва ижодий фазилатларидан гап очди. Даврада иштирок этаётган уруш қатнашчилари Иброҳим Раҳим, Нуриддин Муҳиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Қодир Мирмуҳамедов, Мавлон Икром, Зиёд Есенбоев табрик учун миннатдорчилик ва дориломон кунлар учун шукроналик билдирдилар, сафдош ва қуролдош дўстлари Назарматни табаррук ёши билан қутладилар. Адабиётшунос олимлар Ҳафиз Абдусаматов ва Собир Мирвалиев, қрим татар адиби Сафтер Нагаев, жамоатчилик вакиллари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, адабиётимизда уруш мавзуини бетакрор қаламга олган улкан адибимиз Саид Аҳмад уруш қатнашчилари, хусусан, шоир Назармат шаънига ўзининг дил сўзларини изҳор этдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Муҳаммад Юсуф ва Адабиёт жамғармасининг директори Усмон Қўчқор ўқиган шеърлар, хушовоз хонанда Бахтиёр Холхўжаев ижро этган дилрабо қўшиқлар даврадаги дилкаш гурунгларга учқур қанот бахш этгандек бўлди.

**Р. ОТАЕВ**

## ВОДИЙ УЧРАШУВЛАРИ

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда Маданият ишлари вазирлиги ҳамкорликда Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари бўйлаб ижодий сафар уюштирдилар. Сафар давомида гуруҳ аъзолари — таниқли ижодкорлар ва санъаткорлар Хуршид Дўстмуҳамедов, Раҳмон Қучқор, Турсуной Содиқова, республикада хизмат кўрсатган «Ялла» ансамбли, Абдуҳошим Исмоилов бошчилигидаги бир гуруҳ санъаткорлар, Кумуш Раззоқова, Эргаш ва Роза Каримовалар, Саида Раметова ва бошқалар водийнинг шаҳар ва қишлоқлари, маҳаллаларида бўлиб, меҳнаткашлар билан самимий гурунг қилдилар, турли концерт, қизиқчилик чиқишлари билан уларни хушнуд этдилар.

Ҳар бир учрашув гўё мустақиллигимизга, бугунги тинч-осойишта ҳаётимизга шукронадек янгради. Ижодкорлар ҳам, санъаткорлар ҳам ўз чиқишларида меҳр-оқибат, мурувват, ўзаро биродарлик каби фазилатларни улуғладилар, кишиларимизни озодликдек буюк неъматни авайлашга, ватан равнақи учун ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга чорладилар.

*«ЎзАС» ахбороти*



*Абдулла ЖАЛИЛ*

# МАНГУ БАҲОРИМ, РУҲИ РАВОНИМ

## МАШРАБ ҒАЗАЛИГА МУХАММАСЛАР

Ҳуснингга жоним тўйголи келдим,
Кўксингга бошим қўйголи келдим,
Тобланди меҳрим суйголи келдим,
Ишқинг ўтига куйголи келдим,
Ойдек юзингни кўрголи келдим.

Ўсма қўйибон ёйдек қошингга,
Эй моҳи тобон, чиқгил қошимга,
Боқгил кўзимдин оққан ёшимга,
Савдои зулфинг тушди бошимга,
Сендан давосин сўрголи келдим.

Ёлғон жаҳонда мен рост бўлай деб,
Ўтмас эсам гар олмас бўлай деб,
Сенга паризод мен мос бўлай деб,
Баҳрингга кирдим ғаввос бўлай деб
Бир дурри мақсуд олголи келдим.

Эй гулузорим, ой юзли ёрим,
Мангу баҳорим, руҳи равоним.
Нозли нигорим, янгроқ дуторим,
Аҳду қарорим, номусим, орим,
Маҳви жамолинг бўлголи келдим.

Ёнимдан ўтди, бохабар этти,
Мушк анбар ҳиди оламни тутти,
Сабрчи кутди, дардини ютди,
Қофила кетти, манзилга етди,
Мен ҳам тараддуд кўрголи келдим.

Ҳамиша бир кам, билгил, бу дунё,
Бевафодир ҳам билгил, бу дунё.
Ёр кўзини нам этди бу дунё,
Соқий қадаҳни қилгил муҳайё,
Ваҳдат майидин ичголи келдим.

Жалилий, қуддис сиррини очгил,
Оллоҳим, нуринг Машрабга сочгил,
Жаннат эшигин Машрабга очгил,
Раҳмат эшигин Машрабга очгил,
Ишқинг қўйида ўлголи келдим.

* * *

Борлиғингму нурдандур эй кўзлари чўлпон қиз,
Юзларингму гулдандур бўйлари хиромон қиз,
Сўзларингму болдандур тили асал шодон қиз,
Кокилингму анбардур жон ичинда жонон қиз,
Кўзларингму ахтардур рўйи моҳи тобон қиз.

Бўйинг мушку анбардек, юзинг шамси анвардек,
Қоматинг мисли сарвдек, қаддинг олмаи тардек,
Ҳар бир сўзинг гавҳардек, дилбар ўзинг жавҳардек,
Лабларинг эрур лаълдек, юзларинг қизил гулдек,
Барча эл сенга қулдек, хизматингга фармон қиз.

Соғиниб, ой жамолим, сен томонда хаёлим,
Келар деб кўрар оним, кўзларимдир гирёним.
Берай деб бори молим, етмаса агар жоним,
Бир кўриб сени золим, қолмади мени ҳолим,
Танг бўлибдур аҳволим, билмадингки нодон қиз.

Бу дам қошима келгил, лабинг майидан сунгил,
Висолинг истар кўнгул, дили зоримга кўнгил,
Оразинг — очилган гул, сочларинг эрур сунбул,
Кипригинг — шулаи нур, нигоҳинг чеҳраи ҳур,
Тишларинг мисоли дур, лабларингда пинҳон қиз.

Чаман ичра кирганда, хуш бўйлар уфурганда,
Қошга ўсма қўйганда, қўлга хино туйганда,
Кўзга сурма сурганда, жамолинг барқ урганда,
Кокилингни ўрганда, бурқаъ бошга қўйганда,
Жоним ўртанур танда, эй офтоби даврон қиз.

Боғ аролаб келганда, сени излаб юрганда,
Юрак гуп-гуп урганда, ўтли ҳис жўш урганда,
Дийдорлашиб турганда, ишқ давронин сурганда,
Ой юзингни кўрганда, лабларингни сўрганда,
Машрабинг бўлур банда, лаъли шаккар афшон қиз.

## ҲАЁ ДЕДИМ

Гавҳар надур, ҳаё дедим,
Жавҳар надур, ибо дедим.
Надур ҳаё, ибо ўзи,
Саҳардаги сабо дедим.

Надур ёқут, надур феруз,
Дедим ноёб бир оғиз сўз.
Айтинг-чи дер ул қаро кўз,
Муҳаббатда вафо дедим.

Айтинг надур, ақиқ-ла дур,
Нечун минг хил жилваланур?
Дур бу — иффат, юзларин ҳур —
Ювгучи нур, зиё дедим.

Надурки у баҳоси йўқ,
Жавоҳирдин қиёси йўқ?
Таърифда интиҳоси йўқ,
Номус — бу бебаҳо дедим.

Ҳаё дедим, ибо дедим,
Номус ила вафо дедим.
Шу хислатли санамларга,
Абдулла, жон фидо дедим.

## УМРИНГНИ ШИДДАТКОР ЭТ

Келди истиқлол онинг, умрингни шиддаткор эт,
Озод бўлсин маконинг, умрингни шиддаткор эт.
Ғафлат аро ухлама, кўлмак сувдек тўхтама,
Ёниб тургин, тўхтама, умрингни шиддаткор эт.
Зилзилаю сел, бўрон даҳшатли, хавфли чунон,
Лоқайдлик ундан ёмон, умрингни шиддаткор эт.
Гумроҳлардан узоқ юр, эл қалбига яқин тур,
Эркинлик учун мағрур, умрингни шиддаткор эт.
Жалилийдек бедор бўл, халқингга мададкор бўл,
Мустақилликка ёр бўл, умрингни шиддаткор эт.

*Ўроз ҲАЙДАР*

# ГЎЁ ТАЛПИНГАНДЕК ЗАМИНГА ЛОЧИН



## ЁМҒИРДАН СЎНГ

Гуллардек тўкилдим ишқ маъвосида,
Камалак рангига чайдим танглайим.
Капалак рақс этур гул навосида,
Майсанинг сутига ювдим манглайим.

Атирли ҳаводан анқир қиз бўйи,
Жон ҳовучлаб титрар баргларда шабнам.
Хонамга чорладим борлиқни суйиб,
Пичирлаб сўзлашгум келади мубҳам.

Боламга айтмаган гапни айтаман,
Кўнглимдан кўз ёшдек сизур муножот.
Ўзимни куйладим минг бир байтда ман,
Қачон айланаман куйга, эй ҳаёт!

Жинчироғин ёкдим умидни беун,
Мусича ку-кусин дон каби чочдим.
Бугун бошқачаман, бошқаман бугун,
Сукутга, тупроққа қалбимни очдим.

Шабнам ёғдусидан чатнади бағрим,
Ёд этдим ҳаётнинг куй-у эртагин.
Офтобда ишқ лойин пишитдим тағин,
Осмон силкитмасдан зангор этагин.

* * *

Гулхайри гулидай бужмайиб Осмон,
Шафақ оловидан қораяркан жим.
Бодроқдай очилиб
Юлдузлар шодон
Шам каби милтираб куйлар севинчим.

Ў, ҳадсиз, мағрур дашт — Ҳайитқулим-ов
Ҳорғин чўпон янглиғ мудрайсан нечун?
...Қирлар ҳурпаяди — тун тикар ўтов,
Тасмадай ялтирар сўқмоқйўл бетин.

Қиз бола кўкрагин чизолмай ҳайрон
Бебурд рассом каби қимтиниб дилхун,
Соғинчдан тизларим титраб, бедармон
Бағрингга отилгум мисоли туткун.

Ой қалқди.
Чақалоқ ингаси учди,
шабада қўзғалди келинчакдай ҳур.
Увада булутни титиб,
 саваб сўнг
осмон кўрпасини қавий бошлар нур.

Замин супра мисол нур юқидан оқ,
жимликни симирар кулранг туманлар.
Уюрлар дупури...
 тунни тилди, воҳ,
Кўнгил косасидан тошди уммонлар.

Биллур қандиллардай чайқалиб соҳир
юлдузлар тилидан тўкилди жаранг.
Эзгин фарёдларим
 уларда зоҳир,
кўзимни тирнайдир илоҳий оҳанг.

Ойнинг товушига чирмовуқгулдек
осилиб, юксакка интилар очун.
Дашт ҳам талпинади қалбимга,
 кўкда
гўё талпингандек заминга лочин.

* * *

О, узганинг кўнглинг гилидан,
Сўлғин чечак — нолаларимми?
Юлқиб олдим кўзинг тилидан
Узилмаган лолаларимни.

Қатра қондай силкиди уфқ,
Куйган фалак кулини сочди.
Лаҳзаларни поралаб бетиғ,
Хуфтон олов китобин очди.

Сен оловда ўсган гулбеор,
Тушларимни ёқдингми, эвоҳ.
Баҳоримдан қувғиндир баҳор,
Ёзим қишдан этмакда огоҳ.

Кундуз шамни кўтариб жунун
Излагандек ўз кулбасини.
Ёнимдасан, излайман нечун,
Жим тинглайман севги сасини.

Сен бепарво, ўзимдан бошқа
Ким ҳам тинглар нолаларимни.
Қолдираман у кун қуёшга
Узилмаган лолаларимни.

## ЗЕРИКИШ

Мени ҳеч ким кутмас. Ҳаво бунча дим.
Юлдузлар нуқсидан ер супрадай оқ.
Йўталгандай бўлар боғда аллаким,
Ўзича қўшиқ ҳам куйлайди қувноқ.

Мени ҳеч ким кутмас. Ой боқмас хушҳол,
Кутишдан зериккан сулувдай ўйчан.
Девор оша сокин бўйлар кўчага
Ошиқ ўспириндай тераклар — бўйчан.

Мени ҳеч ким кутмас. Кутаман кимни,
О, менинг юрагим ҳаммага малол.
Уч кунми ё тўрт кун узлуксиз эсиб
Ҳамманинг жонига теккандай шамол.

Мени ҳеч ким кутмас, тўрт бўлиб кўзи,
Кутмаганим каби ҳеч кимни ўзим.

***Машҳур инглиз ёзувчиси Кэтрин Мэнсфилд 1888 йилда Янги Зеландияда туғилган. У атиги 35 йил умр кўрган бўлишига қарамай, инсон табиати ва руҳиятига оид ажойиб ҳикоялар ёзган. Дастлабки ҳикояси 1907 йилда эълон қилинган. «Олмон нафақаси» номли қисқа ҳикоялар тўплами Лондонда чоп қилингач, Кэтрин Мэнсфилд бир зумда машҳур бўлиб кетган.***

*Кэтрин Менсфилд*

# Бир пиёла чой

*Ҳикоя*

Розмари Фелл нафақат ғоят гўзал, балки ёш, ақлли, ўта замонавий, дид билан кийинувчи, янги китобларни ўқиб борувчи ва ўқиганларидан қаттиқ таъсирланувчи аёл эди. У икки йил аввал турмуш қурган бўлиб, эри Розмари билан фахрланарди. Улар бой, жудаям бой эдилар. Шу қадар бой эдиларки, агар сизу биз бирор нарса харид қилиш учун Лондондаги Бонд Стритга борадиган бўлсак, Розмари бемалол Парижга бориб у-бу нарса сотиб олиб келиши мумкин эди.

Қиш кунларидан бирида у кичик бир қутичани кўриш учун мўъжазгина дўконга борди. Сотувчи қутичани атайлаб Розмарига олиб қўйган ва бошқа ҳеч кимга кўрсатмаганди, чунки уни биринчи бўлиб Розмари кўриши керак эди.

«Ажойиб!»— деди Розмари қутичага ҳайрат билан боқиб. — Сотувчи неча пул сўрар экан-а?» Оладиган катта фойда ҳозирданоқ кўзига кўринаётган сотувчи эса бир ора унинг сўзларини ҳам эшитмай, ширин хаёллар оғушига ғарқ бўлди. Табиийки, бу хоним қанча сўраса ҳам кўтаради. Розмарининг саволи ахийри қулоғига етиб келгач, «28 гинея хоним», деди.

28 гинея. Розмари пинагини бузмади. Дўкондорга жавоб бераркан, у ҳам хурсандлигини яшира олмади:

— Яхши, қутичани мен учун олиб қўйинг. Мен бориб...

Дўкондор «қуллуқ» деб таъзим қилди. Албатта, керак бўлса қутичани бир умрга сақлаб туришга ҳам рози эди.

Ташқарида ёмғир ёғар, ҳаво совуқ, суяклардан ўтиб кетгудек изғирин ҳукмрон бўлиб, яқиндагина ёқилган кўча чироқлари мунғайиб турарди. Шу пайт қаердандир пайдо бўлган ёш, озғин, қорасоч қиз Розмарининг тирсагидан секин ушлаб, «хоним, сизга бир оғиз сўзим бор эди»,— деди шивирлаган ҳорғин товуш билан.

— Менгами? — Розмари орқасига ўгирилиб, ўзига тенгдош ёшлардаги бир қизни кўрди. Қизнинг ҳамма ёғи худди ҳовуздан чиққандек шалаббо эди.

— Хоним, — деди ҳорғин овоз, — менга бир пиёла чой пули бера оласизми?

— Бир пиёла чой пулими?

Қизнинг сўзларида қандайдир соддалик, очиқ кўнгиллилик мавжуд бўлиб, тиланчилар овозига сираям ўхшамасди.

— Ҳеч пулинг йўқми? — сўради Розмари.

— Йўқ, хоним, — деган жавоб келди қиздан.

— Қандай ғаройиб-а! — дея Розмари қизга синчиклаб разм солди.

Ва бирдан у ўзини худди янги бошланаётган саргузашт иштирокчисидек ҳис қила бошлади. Айтайлик, қизни уйига олиб кетса-чи? Ўзи китобларда ўқигани ёки театрда кўрганлари каби ҳаракат қилса нималар юз бериши мумкин? Ҳа, кишини ҳаяжонга солувчи воқеалар бўлади! Розмари бўлиб ўтган воқеаларни эшитиб, анқайиб қоладиган дугоналарига айтажакларини тасаввур қила бошлади: «Шунда мен уни уйимга олиб кетдим».

Розмари қизга қараб:

— Юр, бизникига бориб чой ичамиз, — деди.

— Сиз, сиз мени полицияга олиб бормайсизми? — қиз оғриқли товуш билан сўради.

— Полициягами? — Розмари кулиб юборди. — Мени шунчалик жоҳил деб ўйлаяпсанми? Йўқ, сени фақатгина иситиб қўймоқчиман. Кейин эса, менга айтмоқчи бўлган гапларинг ҳам бордир. Қани, кетдик.

Қорни оч кишини эргаштириб кетишдан осони йўқ. Шофёр машина эшигини очди ва бироздан кейин улар нимқоронғу йўлдан борар эдилар.

Розмари ўзининг шинам ётоқхонасига киришгач, «кел, ўтир», деб креслони ўчоққа яқинроқ суриб қўйди:

— Кел, исиниб ол. Жуда совқотган кўринасан.

— Йўқ, хоним, — иккиланиб деди қиз.

— Қўйсанг-чи, — деб Розмари унга томон юрди, — ҳеч қўрқма, ҳечам тортинма мендан.

Розмари «ингичка қомат»ни оҳиста итариб, креслога ўтқазиб қўйди. «Хўп бўлади, хоним» деганга ўхшаган шивирлаган овоз эшитилди ва жиққа ҳўл бўлиб кетган шляпа ечилди.

— Кел палтонгни ечишга ёрдамлашворай, — деди Розмари.

Қиз ўрнидан туриб, бир қўли билан креслонинг ёнбошини ушлаган ҳолда Розмари палтосини ечиб олишига имкон берди. Кейин эса шоша-пиша, бироқ овози базўр эшитиладиган ҳолда деди:



— Мени кечирасиз хоним, ҳушимни йўқотай деяпман. Бирор нарса еб олмасам йиқилиб тушаман.

— Вой худойим-ей, эсимдан чиқариб қўйибманку, — деб Розмари қўнғироқ томон отилди. — Чой! Дарҳол чой келтиринг! Бироз бренди ҳам ола келинг!

Хизматкор буйруқни бажариш учун кетди. Бу орада эса қиз кўз ёшларига ғарқ бўлган, уялишни ҳам унутган, иккалови ҳам аёл эканлигидан ташқари дунёдаги барча нарсаларни унутган ва йиғлар эди:

— Бундай аҳволда яшаб бўлмайди. Чидолмайман. Кошки ўлиб кетсам эди! Бошқа тоқат қилолмайман!

— Қўй, ўзингни бос. Мен сенга қараб тураман, ёрдам бераман. Йиғлама, бўлди қил!

Хизматкор чой олиб келаётганини кўриши биланоқ, қиз йиғлашдан тўхтади.

Енгил таомнинг таъсири ҳайратланарли бўлди. Чой ичилган стол йиғиштирилгач, ғунча лаб, шаҳло кўзли париваш ўзига нисбатан анча катта бўлган креслога роҳатланиб ястанди.

Шу пайт ётоқхона эшигининг туткичи айланди:

— Розмари, кирсам майлими?

Бу Розмарининг эри Филипп эди.

— Албатта.

Филипп ичкарига кираётиб, «ие кечирасизлар», деб тўхтаб қолди ва уларга тикилди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Розмари кулимсираб, — бу қиз дугонам, исми...

— Смит, хоним, — деди креслода ўтирган озғин қомат.

— Смит, — давом этди Розмари. — Биз бирга бироз суҳбат қурмоқчимиз.

Филипп уларга чиройли табассум билан боқди:

— Розмари, бир дақиқага кутубхонага чиқсанг. Смит хоним мени маъзур тутсалар.

Шаҳло кўзлар жавоб бериш учун қараган чоқ қизнинг ўрнига Розмари жавоб берди.

— Албатта, узрингни қабул қилади.

Улар бирга ётоқхонадан чиқиб кетишди. Ёлғиз қолишгач, Филипп хотинидан сўради:

— Қани, менга тушунтириб берчи. Бу қиз ким? Ўзи нималар бўляпти?

Розмари кулиб, эшикка суянган ҳолда деди:

— Уни кўчада кўриб қолдим. Рост айтяпман. У мендан бир пиёла чой учун пул сўради, мен эса уни уйга олиб келдим.

— Табриклайман! — деди Филипп ҳазиломуз оҳангда. — Аммо, энди уни нима қилмоқчисан?

Розмари шоша-пиша жавоб берди:

— Унга яхши муомала қилмоқчиман. Ёрдам бермоқчиман. Ҳозирча қандай ёрдам кўрсатишни ўйлаб кўрганим йўқ, бу ҳақда гаплашмадик. Унга...

— Аммо, — деди Филипп сигарасининг учини кесаётиб, — у жудаям гўзал экан. Ёши йигирмадан ошмаган кўринади.

— Гўзалми?! — Розмари шу даражада ҳайратга тушдики, ҳатто қизариб кетди. — Сен шундай деб ўйлаяпсанми? Бу нарса хаёлимга ҳам келмабди.

— Худойим-ей, — деди Филипп қўлига гугуртни олар экан, — жудаям келишган, париваш қиз экан. Яхшилаб қарагин. Кейин эса Смит хонимни биз билан кечки овқатга таклиф қил.

— Гапингни қара-я, — деб Розмари кутубхонадан чиқди. Бироқ, ётоқхонага қайтиш ўрнига ёзув хонасига кириб, ёзма стол қаршисига ўтирди. «Гўзал! Жудаям келишган экан!» Розмарининг юраги оғир қўнғироққа ўхшаб ура бошлади. Тортмани очиб, ичидан бешта бир фунтлик пул олди, уларга бироз қараб туриб, иккитасини жойига қайтариб қўйди. Қўлида уч фунтни ушлаганча ётоқхонага қайтди.

Орадан ярим соат ўтиб Розмари кутубхонага кирди. Филипп ҳануз ўша ерда ўтирган эди.

— Сенга шуни айтмоқчиманки, — деди Розмари яна эшикка суянган ҳолда. — Смит хоним бу оқшом биз билан бирга овқатланмас экан.

Филипп ўқиётган қоғозини столга қўйди:

— Нима бўлди? Бирор жойга бориши керак эканми?

Розмари Филиппнинг ёнига тиз чўкиб, унинг тиззаларини қучоқлади:

— Кетаман, деб туриб олди. Ноилож қолиб, бечора қизга бироз пул бериб юбордим. — Сўнгра қўшиб қўйди: — Хоҳламагандан кейин мажбур қилиб тутиб туролмасдим-да. Шундай эмасми?

Орага жимлик чўкди.

Кейин Розмари эркаланган товуш билан деди:

— Бугун ажойиб қутича кўрдим. Нархи 28 гинея экан. Олсам майлими?

— Албатта, жонгинам. Биласан-ку, сенга ҳеч «йўқ» дея олмайман.

Розмари аслида қутича ҳақида гапирмоқчи эмасди.

— Филипп, — нозли шивирлади у эрининг кўзларига журъатсиз тикилар экан — айт-чи, мен.., мен чиройлиманми?..

**Инглизчадан Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ таржимаси**

